

ТИЛ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Хорижий тилни ўрганишда болаларнинг мактабда олган билимини мустаҳкамлайди

Фарғона вилояти Бувайда тумани Янгиқўрғон қишлоғида фаолият олиб бораётган “FUNNYENGLISH” — “Қувноқ инглиз тили” болалар тил ўрганиш марказининг асосий мақсади қишлоқ болаларининг бўш вақтларини самарали ташкил этиш орқали хорижий тилни ўргатишга қаратилган. Марказининг ташкил этилганига икки йил бўлганига қарамай, қисқа фурсат ичида у нафақат Бувайда тумани, балки қўшни Учкўприк, Бағдод туманлари аҳолисининг ҳам эътиборига тушди. Чунки болаларга хорижий тилларни замонавий таълим талабларига мувофиқ ўргатилиши туфайли, уларда инглиз тилига бўлган иштиёқ ортди.

— Тил ўргатиш марказини очиш режаси 2012 йилнинг кузида пайдо бўлганди, — дейди марказ раҳбари Азизжон Эрматов.

— Турмуш ўртоғим Наргизахон билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлагандан кейин мен журналистика соҳасида, у эса инглиз тили ўқитувчи сифатида пойтахтда фаолият олиб бордик. Ота-онамиз кексайиб қолганликлари учун қишлоққа қайтдик. Туманда ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этиш учун ижодиёт марказида турли хил фан тўғараклари, мусиқа мактаби, спорт секциялари фаолият олиб боради. Улар қаторида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳам катта эканлигини кўриб, тил марказини очишга қарор қилдик. Чунки иккаламиз ҳам инглиз тилини мукамал биламиз. Наргизахон лицейда инглиз тилидан дарс берарди. Хуллас, бу биз учун янги фаолият тури, янги имконият эди. Айниқса, 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан **“Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг** қабул қилиниши бошлаётган ишимиз учун айни муддао бўлди. Шундан кейин ишга жиддий киришдик. Болаларнинг келишлари учун қулай жой топиб, уни кўриб турганингиздек замон талабларига мос тарзда зарур ускуналар, технологик воситалар билан жиҳозладик. 2013 йил январдан марказимиз фаолиятини бошлади. Икки-уч машғулотдан кейиноқ тил марказига қатнашиш истагини билдирганлар сони кўпайиб кетди. Аввалига фақат 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларни қабул қилдик. Талаб ортгандан кейин 14 ёшгача ва ундан катталарнинг ҳам гуруҳини очишга тўғри келди. Бу ерда асосан инглиз ва рус тилларини ўргатамиз.



“FUNNYENGLISH” — “Қувнок инглиз тили” болалар тил ўрганиш маркази мактабдаги синф хонасига ўхшамайди. Кўпроқ ўйинчоқлари мўл болалар хонасини эслатади. Бу тил марказининг айнан болалар учун мўлжалланганлигини кўрсатувчи жиҳатидир. Каттагина хонага тўшалгангиламни орадаги йўлак иккига ажратиб туради. Биринчи ярмида кўғирчоқ театрининг кичик сахначаси,

унинг тепасида плазмали телевизор ўрнатилган. Бурчакда машғулотлар жараёнида фойдаланиш учун компьютер мажмуаси ўрин олган. Хонанинг бу қисми кенг, турли жиҳозлардан ҳоли бўлиб, асосан болаларнинг турли ўйинларни ўйнашга, рақс тушиш, кўшиқ айтиш, мультфильм, эртақ томоша қилиш, кичик-кичик сахна кўринишларини инглиз тилида кўрсатишга мўлжалланган. Хонанинг иккинчи ярмида машғулотлар олиб бориш учун стол-стуллар ўрин олган. Аммо улар мактабдагидек тўртбурчак эмас, думалок шаклда бўлиб, ёнма-ён қўйилган. Столларнинг устида рангли қалам-қоғозлар, бўёқлар, қўйингки, расм чизиш ёки ўйинчоқ ясашга зарур бўлган турли анжомлар мавжуд. Девор ёнидаги жавонларда инглиз тилида кўрғазмали воситалар, расмлар, турли адабиётлар терилган.

— Эътибор берган бўлсангиз, жиҳозларимиз, ўқув материалларимиз асосан 5 ёш ва ундан катта болаларга мўлжалланган, — дейди марказ ўқитувчиси Наргис Эрматова. — Чунки 5 ёшдаги болаларда мулоқотга киришувчанлик, қабул қилаётган маълумотларини жамлай олиш лаёқати шаклланган бўлади. Марказимизда болалар хорижий тил билан бир қаторда тартибни, атрофдагилар билан эркин мулоқотга киришишни, дўстлашишни, гуруҳда ишлашни, муносиб тарзда ютиш ва баъзан ютқазнишни ҳам ўрганиб боради. Мутахассисларнинг фикрича, агар бола хорижий тил асосларини 14 ёшгача ўзлаштира олса, бу тилдаги талаффузи ҳам худди она тилидагидек бенуқсон чиқар экан. Буни амалий тажрибада синаб кўриш учун биз 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларда тил ўрганиш имкониятларини ҳисобга олиб махсус дастурлар ишлаб чиқдик. Бу дастурлар умумий ўрта муассасаларининг хорижий тилларни ўқитиш бўйича таълим стандартларига мос келади.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиз умумтаълим мактабларида биринчи синфда хорижий тилни ўрганиш жорий қилинди, унга мос дарсликлар ҳам яратилди. Марказда машғулотлар жараёнида бу дарсликлардан фойдаланилади. Шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг тил ўргатиш бўйича тажрибаларга ҳам таянилади. Бу борада Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси тавсия этган “Express international”, шунингдек Оксфорд университети нашриётлари томонидан болалар учун чоп этилган китоблар, ўқув материалларидан ҳам фойдаланади.

Улардаги турли хил ўйинлар, эртақлар, шеър ва кўшиқларни ўрганиш орқали болаларда тил ўрганиш жараёни осон ва қизиқарли ташкил этилади.



Машғулотлар бошланадиган пайт бўлиб, 5-7 ёшли болалар гуруҳи хонага бирин-кетин кириб кела бошлади. Устозлари Азиз ва Наргизахонлар уларни хонанинг ўйин қисмида кутиб олиб, инглиз тилида саломлашди, кейин Наргизахон “Кўча совуқми?”, “Қор борми ёки йўқми?”, “Қуёш чиққанми?”, “Қуёш бўлса, нега совуқ?” деган саволлар билан қисқа мулоқотга киришди. Азиз эса

болаларга қиш ҳақидаги мультфильмни кўйиб берди. Шу тариқа ярим соат болалар инглиз тилида ўйин ўйнадилар ва мультфильмдаги шеърни ёдладилар. Машғулотнинг иккинчи қисми расм чизиш ва уни бўяшга бағишланди. Наргизахон болалардан аввал ўзбек тилида қишда қандай мевалар кўп ейилишини сўради. Болалар банан, мандарин, апельсин, лимон сингари мева номларини айтишди. Сўнг устозининг ортидан шу сўзларни инглиз тилида такрорладилар. Устози энди шу меваларнинг расмини ким тез ва чиройли чизишни, кейин уни бўяшни инглиз тилида тушунтирди. Машғулот сўнгида ҳар бир бола чизган ва бўяган расмларини эҳтиётлик билан қирқиб устозига берди. Устози эса уларнинг ҳар бириникини алоҳида игна билан ипга чизиб чиқди. Машғулотни кузатиб болалар билан ишлаётган ўқитувчи нафақат моҳир педагог, балки психолог ҳам бўлиши кераклигини тушундик. Чунки машғулот жараёнида тортинчоқ, бошқа тенгқурларининг фаоллигидан ҳайқадиганлари ҳам бор экан. Наргизахон Эрматова бу жиҳатни ҳисобга олиб, ҳар бир боланинг кайфияти, хатти-ҳаракатига қараб иш тутди ва натижада боланимашғулотга қизиқтира олди.

— Албатта, кичкинтойларни хорижий тилни она тилидек, ўқув марказини ўз уйидек, машғулотларни севимли ўйинларидек қабул қилишларига эришиш осон эмас, — дейди Наргизахон. — Шунинг учун ҳам марказимизда ҳар бир кун хурсандчилик билан, машғулотлар кичкинтойларнинг севимли ўйинлари билан бошланади. Чунки болалар ўйинлардан ҳеч қачон зерикашмайди. Айниқса, катталар ҳам улар билан биргаликда ўйнаса — бу болалар учун икки карра қизиқарлироқ. Фақат ҳар бир ўйиннинг асосий талаби бор — мулоқот хорижий тилда бўлиши керак. Бола ўйин ўйнаш, севимли мультфильмини хорижий тилда томоша қилиш, эртақ тинглаш ёки қувноқ ҳаракатларга бой кўшиқни ёдлаш орқали кўйилган асосий мақсад — хорижий тилда эркин мулоқот қила олиш кўникмасига эга бўлиб боради. Бу мақсадга эришиш йўлида биз қуйидаги усуллардан фойдаланамиз:

- энг муҳими, бола ҳар бир машғулотдан завқ олиши, янги маълумотни қизиқиш билан қабул қилиши;
- ҳамма нарса режали ва тартибли бўлиши (шунда бола дарсдан нима кутаётганини билади ва ўзини енгил ҳис қилади);
- дарсни алоҳида кўргазмали “сигнал”лар билан бошлаб, болага бошқа тилда гаплашиш вақти келганини билдириши;
- илк машғулотларда мавзу она тилида тушунтирилади. Қисқа вақтдан кейин эса хорижий тил — она тилига таржима — яна хорижий тил, яъни “бутерброд” методини қўллаш;
- ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиб, боланинг зийраклигини бир меъёردа ушлаб туриш;
- кундалик сўз, ибора ва мурожаатлар фақат хорижий тилда айтилишига эришиш;
- кичик ёшдаги болаларга ҳеч қандай босим ўтказмаслик, гапириш ёки гапирмаслик ҳуқуқини ҳурмат қилиш, ҳар бир хато учун танқид қилмаслик, аксинча, кичик муваффақиятларини ҳам катта ютуқ сифатида рағбатлантириб бориш керак ва ҳ.з.



Яна кичик ёшдаги гуруҳлар билан ишлашда “5 қадам” услубидан фойдаланамиз. Унга кўра йил давомида ўзлаштирилиши лозим бўлган юклама алоҳида мавзуларга ажратилади. Ҳар бир мавзу бир-бирини тўлдириб, босқичма-босқич ривожланиб боради, ранг-баранг машғулотлар — мақсадга яқинлаштирувчи “қадам” вазифасини

ўтайди.

Мутахассисларнинг фикрича, хорижий тилни ўрганишга қобилият, лаёқат, мойиллик ҳар бир болада мавжуд бўлиб, уни қизиқишга, қизиқишни эса истакка айлантира олиш жуда муҳим экан. Марказга келаётган болаларда эса ана шу қизиқиш кучли истакка айланаётганини ота-оналар ҳам эътироф этишди.

Обидахон Бекмирзаева:— Набирам машғулотлардан ташқари, дам олиш кунлари ҳам устозига кўнғироқ қилиб, инглиз тилида об-ҳавонинг қандайлиги, уйда нима билан машғул бўлганлиги, телевизорда нимани кўрганлигини, қандай ўйин ўйнаганлиги ҳақида гапириб беради. Энг муҳими, унда гапиришдан уялиш ёки сўзларни хато талаффуз қилишдан чўчиш ҳисси йўқ.

Вазира Мадумарова: — Ўғлим Аслиддин биринчи синфда ўқийди. У сал эрқароқ. Буни инглиз тили устози ҳам билади. Шунга қараб муомала қилгани

учун машғулотларни қолдиргиси келмайди. Бу ерда ўрганганлари асосида атрофдагилар билан инглиз тилида гаплашгиси келади.

Бундан ташқари марказга тез-тез ўқувчиларининг ота-оналари таклиф этилиб, фарзандларининг инглиз тилида тайёрлаган томошалари, концерт дастурларини намойиш қилишади. Бу бир томондан болаларнинг кўпчилик олдида тортинмаслик, эркин гапиришга ҳаракат қилишга ёрдам берса, иккинчи томондан ота-оналар фарзандларининг марказда қандай билим олаётганларидан хабардор бўлиб боради. Баъзан марказга айрим ота ёки она мурожаат қилиб, боласи кун бўйи компьютер ўйинларидан бўшамаётгани, мактабдаги дарсларини яхши ўзлаштирмаётганлигидан шикоят қилади ва боласининг қизиқишини хорижий тилга йўналтириб беришни сўрайдиган ҳоллар ҳам бўлади. Бундай болаларга дастлаб энгилроқ компьютер ўйинларини кўйиб берилади. Аммо бу ўйинлар тўлиқ инглиз тилда бўлади. Бола нотаниш сўз ва ибораларга тўқнаш келади. Уни тушунишни хоҳлайди, секин-астабу сўзларни ўрганишга ҳаракат қила бошлайди. Ўқитувчиболадаги ана шу интилишни пайдо қилгандан кейин, унинг қизиқишини хорижий тилга йўналтиради. Марказ ўқитувчиларининг таъкидлашича, бунинг учун машғулотлар қизиқарлилиги жиҳатидан компьютер ўйинларидан қолишмаслиги керак экан. Бундан кўринадики, болаларнинг хорижий тилларга қизиқишини пайдо қилиш ўқитувчининг педогогик ва психологик маҳоратига, машғулотларга индивидуал ёндашуви, боланинг жисмоний ва психологик ҳолатини ҳисобга олишга боғлиқ.

Бугунги кунда “FUNNYENGLISH” — “Қувноқ инглиз тили” болалар тил ўрганиш марказида 12 та гуруҳда болалар инглиз тилидан билимларини бойитмоқдалар. Яна янги гуруҳга ёзилиш истагида бўлганлар ҳам кўп. Фақат ҳозирча бунга шароит изн бермайди. Аммо имкониятлар қидирилмоқда. Бу ҳақда Азиз Эрматов шундай дейди: — Келгусида марказимиз фаолиятини янада кенгайтириш мақсад қилганмиз. Бунинг учун янги режалар, лойиҳалар устида иш олиб боряпмиз. Журналист бўлганим учун марказимиз сайтини яратдим. Тайёр бўлса, ундан интернетда бепул фойдаланишни йўлга кўймоқчимиз. Бундан ташқари “Фарғона ТВ”, “Рухсор ТВ”, “Бағдод ТВ” сингари маҳаллий телеканаллар билан музукоралар олиб бориб, машғулотларнинг теле шаклини яратиш бўйича шартнома тузмоқчимиз. Агар шу мақсадларни амалга оширсак, ишимининг натижаси яна ҳам яхшироқ бўларди. Ҳозирча, машғулотларни тасвирга олиб, сайтга жойлаштиряпмиз.

Бугун мамлакатимиз таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, жадал суръатлар билан давом этаётган ривожланишлар юртимизнинг барча ҳудудлари, шаҳару қишлоқларини бирдай қамраган. Биз бунга Бувайда тумани Янгиқўрғон қишлоғида фаолият олиб бораётган “FUNNYENGLISH” — “Қувноқ инглиз тили” болалар тил ўрганиш маркази мисолида яна бир қарра амин бўлдик. Демак, қаерда билимга қизиқиш ва иштиёқкучли бўлса, ўша ерда албатта ижобий натижага эришилади.

Назира ТОШПЎЛАТОВА